

ЙЎРИҚНОМА

(Юридик шахслар ва ЯТТ учун)

Тизим **МХИК**ни қидириб топиш, уни шахсий кабинетда сақлаш ва электрон ҳисоб-фактуралар, электрон шартномалар ёки онлайн назорат-касса машиналари ҳамда виртуал кассаларда автомат тарзда акс эттиришга хизмат қилади.

МХИК бу нима?

МХИК - бу маълум бир маҳсулот ёки хизмат турига тайинланган белгилар (ракамлар) тўплами кўринишида тақдим этилган маҳсулот ва хизматларнинг идентификация коди.

МХИКни <https://tasnif.soliq.uz> интернет манзилида жойлаштирилган қидирув тизимидан фойдаланган ҳолда аниқлаш мумкин.

МХИК 5 та рақамдан иборат бўлиб, қидирув тизимида товарлар ва хизматларнинг номидан олдин келади.

The screenshot shows a search bar with the text "гў". Below it is a list of classification codes:

- 00202 - Музлатилган йирик шохли қорамол гўшти
- 00210 - Тузланган, қуритилган, дудланган гўшт ва гўшт субмаҳсулотлари
- 02301 - Юпқа ва қўпол майдалangan ун, гўшт ва балиқ ёки қисқичбақасимонлар дан гранулалар,

Қидирув тизими рус ва ўзбек тилларида тақдим қилинган. Керакли тилни саҳифанинг юқори ўнг қисмидаги тил панели орқали танлаш мумкин.

The screenshot shows the classification system interface with the following elements:

- Logo of the Republic of Uzbekistan
- Text: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ ЯГОНА КЛАССИФИКАТОРИ
- Language selection dropdown currently set to "Ўзбекча". Other options include "Русский".
- Input field: Махсулот / хизмат номини киритинг

Қидирув тизими **МХИК**ни излашнинг 3 та усулини қўллаб-қувватлайди.

1. Маҳсулот ёки хизмат номи бўйича излаш.

Махсулот / хизмат номини киритинг X 🔍

Бунда товар ва хизматларнинг номи тўлиқ ёки қисман киритилади.

Қидирув тизими бир нечта ўхшаш **МХИК**ни ва уларнинг номларини танлаш имконини тақдим қиласди.

сут X 🔍

00402 - Сут ва қаймоқ, концентранган ва ширинлаштирилган

08434 - Соғиш мосламалари ва машиналари, сутни қайта ишлаш учун ускуналар

2. Штрих кодни тўлиқ киритиш орқали излаш.

Штрих-кодни киритинг X 🔍

Бунда маҳсулотларнинг **ШТРИХ** коди тўлиқ киритилади.

Қидирув тизими айнан шу маҳсулотга мос бўлган маҳсулотлар номи ва **МХИК** кўрсатилган синфларни танлаш имконини тақдим қиласди.

4780087210023 X 🔍

01905 - Нон, нон маҳсулотлари ҳамда қандолат маҳсулотлари

3. ТИФТН (ТН ВЭД) кодини киритиш орқали излаш.

ТН ВЭД кодни киритинг X 🔍

Бунда товар ёки хизматларнинг **ТИФТН (ТН ВЭД)** коди киритилади.

Қидирув тизими айнан шу маҳсулотга мос бўлган товар ёки хизматлар номи ва **МХИК** кўрсатилган синфларни танлаш имконини тақдим қиласди.

01005

X

🔍

01005 - Маккажүхори

Керакли **МХИК** танланганда тизимда иккинчи ойна очилади. Унда танланган **МХИК** ҳамда шу синфга яқин бўлган бошқа товар ва хизматлар номи тақдим этилади.

010 Донли ўсимликлар

МАККАЖҮХОРИ

МХИК коди : 01005

ТАНЛАНГАНЛАРГА ҚЎШИШ

БУҒДОЙ

МХИК коди : 01001

ТАНЛАНГАНЛАРГА ҚЎШИШ

ЖАВДАРИ

МХИК коди : 01002

ТАНЛАНГАНЛАРГА ҚЎШИШ

Ушбу саҳифадаги **ТАНЛАНГАНЛАРГА ҚЎШИШ** тугмаси орқали белгиланган **МХИК**ни **ТАНЛАНГАНЛАР** бўлимига қўшиш лозим.

МХИКни **танланганлар** бўлимига қўшиш **шахсий кабинет** орқали амалга оширилади. Шахсий кабинетга **электрон рақамли имзо** орқали кирилади. Тутма босилганда шахсий кабинетга электрон рақамли имзо орқали кириш ойнаси автомат очилади. Шунингдек, шахсий кабинетга асосий саҳифадаги **КАБИНЕТГА КИРИШ** тугмаси орқали ҳам кириш мумкин.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА
ХИЗМАТЛАРИ ЯГОНА КЛАССИФИКАТОРИ



Ўзбекча

КАБИНЕТГА КИРИШ

Керакли ЭРИ калити танланиб, **КИРИШ** тугмаси босилади ва ЭРИ паролини териш орқали шахсий кабинетга кирилади.


ЭРИ калити билан боғлиқ батафсил маълумотларни <https://e-imzo.uz> интернет манзили орқали олиш мумкин.

ЭРИ ОРҚАЛИ КИРИШ

Ташкилот: 4-SON QURILISH TRESTI ИНН: 200523221

КИРИШ

АСОСИЙ САХИФА



Шахсий кабинет орқали **МХИК**ларни танланганларга **ҚЎШИШ** ва **ЎЧИРИШ** имкони мавжуд.

▼ 049

**Китоблар,
газеталар ва
бошқа
матбаа
маҳсулотлари**

КИТОБЛАР ВА БОШҚА РИСОЛАЛАР

МХИК 04905
коди:


ТАНЛАНГАНЛАРГА ҚЎШИШ

БОСИБ ЧИҚАРИЛГАН ЛУФАТЛАР ВА ЭНЦИКЛОПЕДИЯЛАР


МХИК 04901
коди:

ТАНЛАНГАНЛАРДАН ЎЧИРИШ

Шунингдек, **МХИК**ларни махсус фильтр ёрдамида алоҳида **ШТРИХ** ёки **ТИФТИН** коди орқали излаш мумкин.



Танланган **МХИК**лар **ТАНЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР** бўлимида шаклланади.



Шунингдек, бу бўлимдан танланган **МХИК**ларни ўчириш ёки уларни танланганлар орасидан излаш имкони мавжуд. Фойдаланувчиларнинг **ТАНЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР** бўлимидаги **МХИК**лари уларнинг электрон хисоб-фактуралари, электрон шартномалари ва онлайн назорат-касса машиналари ҳамда виртуал кассалари тизимида автомат шаклланади.

[Излаш](#)

Танланган маҳсулотлар ва хизматлар

№	Кўшилган вакти	МХИК код	Маҳсулот / хизмат номи	Амаллар
1	13.11.2020	06401	Пойафзал	УЧИРИШ
2	12.11.2020	01901	Ун ва ёрмадан олинадиган маҳсулотлар (макарондан ташқари)	УЧИРИШ

Айрим ҳолларда керакли товар ёки хизматларга мос **МХИК** топилмаслиги мумкин. Бундай ҳолда тизимда **ЯНГИ ТОВАР ЁКИ ХИЗМАТ ҚЎШИШ** бўлими ҳосил бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА
ХИЗМАТЛАРИ ЯГОНА КЛАССИФИКАТОРИ

сақи

ЯНГИ МАҲСУЛОТ ЁКИ ХИЗМАТ ҚЎШИШ

Бу бўлимдан шахсий кабинет орқали фойдаланиш мумкин. Бўлимда қўшилиши лозим бўлган товар ёки хизматнинг номи, у ҳақида қисқача маълумот, боғланиш учун мобил телефон рақами, шунингдек, мавжуд ҳолларда **ШТРИХ** ёки **ТИФТН** коди тўлдирилади.

Маҳсулот номи

Маҳсулот ҳақида қисқача маълумот

Штрих код

ТНВЕД код

Телефон рақам

ЖҮНАТИШ

Керакли саҳифалар тўлдирилиб, жўнатиш тугмаси орқали **вақтинчалик МХИК** олинади.

Сўровингиз қабул қилинди!



Хизматни яхшилашда бизга ёрдам берганингиз учун ташаккур. Сизга вақтинчалик таснифловчи код берилиди.

9990000006

Тизимнинг асосий ойнасидан **МХИК**нинг тўлиқ рўйхатини **JSON**, **XML**, **XLS** форматларида юклаб олиш мумкин.

Маҳсулот / хизмат номини киритинг



Шунингдек, фойдаланувчиларнинг талаб ва таклифларини ўрганиш, тизимдан фойдаланишда учраётган камчиликларни бартараф қилиш ва саволларга тезкорлик билан жавоб қайтариш мақсадида тизимнинг маҳсус телеграм боти ([@mxikbot](https://t.me/mxikbot)) ҳамда **қайта алоқа** хизматлари йўлга қўйилган.



Ўзбекча ▾

КАБИНЕТГА КИРИШ



Отправьте нам сообщение

Бизнес-мессенджер **jivo**

Ваш телефон

Ваш e-mail*

Отправить